



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 63 (12.624)

Баҳоси эркин нарҳда



**Шаҳримиздаги  
«Ўзқўғазмасавдо» мажмуасида  
инновацион ғоялар,  
технологиялар ва лойиҳалар  
Тошкент шаҳар ҳудудий  
ярмаркаси бўлиб ўтди.**

## ЭНГ САМАРАЛИ ИШЛАНМА ВА ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

Унда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда фаолият олиб бораётган корхоналар, олий ўқув юртли, илмий муассасалар ва илмий марказлар, тажриба-конструкторлик ташкилотлари ҳамда банклар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил июль ойида қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси доирасида ўтказилаётган тадбир мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида илм-фаннинг ролини кучайтириш, илмий тадқиқотлар, технологик ва конструкторлик ишланмалари даражаси, сифати ва долзарблигини ошириш ҳамда янги замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этишда катта аҳамият касб этиши эътиборга лойиқдир.

Анъанавий тус олган бундай ярмаркаларнинг ташкил этилиши иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришда фан ютуқларидан

янада кенгрок фойдаланиш борасидаги имкониятларни кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Энг муҳими, инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркаси ишлаб чиқариш субъектлари мутахассислари ҳамда олий таълим муассасалари, турли илмий марказларда фаолият кўрсатиб келатган олимлар, иштирокчилар ўртасидаги алоқаларнинг янада мустаҳкамланиб боришига хизмат қилмоқда.

— Ушбу ҳудудий ярмарка VII республика инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар кўргазмаси олдидан ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтайди, — дейди Тошкент шаҳар Иқтисодиёт бош бошкармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Жамшид Сулайманкулов. — Кўргазмада Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда бир қатор вазирликлар, ҳўжалик бирлашмалари, кичик бизнес ва хўсуий тадбиркорлик субъектлари ўзларининг 260 дан зиёд ишланма ва лойиҳаларини намойиш этишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Аввал хабар берилганидек, Тошкент шаҳрида 2014 йил 28 март куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси (ШХТ МАТТ) Кенгашининг навбатдаги йигирма тўртинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Қозғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғиз Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси ва ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси вакиллари иштирок этди.

Мажлисида ШХТ МАТТ Кенгашининг ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашига ШХТ МАТТнинг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги маърузаси лойиҳаси маъқулланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2013-2015 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, ШХТ МАТТ Кенгаши қарорларининг амалга оширилиш жараёни тўғрисидаги ахбороти тингланди. ШХТ МАТТ Ижроия кўмитасининг ўтган даврдаги фаолияти ижобий баҳоланди.

2014 йилнинг тўртинчи чорагида ШХТга аъзо давлатлар ва ШХТда кузатувчи давлатлар ўртасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши курашиш соҳасида ҳамкорлик масаласига бағишланган иккинчи илмий-амалий конференцияни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

ШХТга аъзо давлатлар ваколатли органларининг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга

урф-одат, анъана ва ёшлар — 2014» лойиҳаси доирасида «Хар кунимиз Наврўз бўлсин!» шиори остида ўн икки вилоят анъаналарини акс эттирган байрам тадбири ўтказилди.

✓ ЭРТАГА Мирзо Улуғбек туманидаги Нодирабегим маҳалласида оилаларда вужудга келатган ажримлар сонини камайтиришга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича давра суҳбати ташкил этилади.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** радиотехника касб-ҳунар коллежида «Қадрият,

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

**Аввал хабар берилганидек, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган яна иккита янги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар.**

«Давлат мулкани бошқариш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалда рўйбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилди. Қонун лойиҳасининг мақсади мамлакат ичкарисида ҳам, ундан ташқарида ҳам давлат мулкани самарали бошқаришга қаратилган, давлат мулкани бошқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада ривожлантиришдан иборат. Қонун лойиҳаси давлат мулкни ҳуқуқларни қўлга киритган вақтдан бошлаб то улар тугатилгунгача давлат мулкни бошқариш тизимини яратишга қаратилган. Қонун лойиҳасида давлат мулкни бошқаришнинг амалга оширувчи давлат органларининг ваколатларини чегаралаш ва давлат мулкни бошқариш соҳасидаги давлат сиёсатини ўтказиш учун уларнинг жавобгарлигини ошириш назарда тутилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларини тадбиркорлик субъектларининг фаолияти учун имкон қадар қулай шарт-шароитлар яратиш, ортқча бюрократик тўсиқларга барҳам бериш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи бошқарув ҳаракатларининг тўлиқ ошқоралигини таъминлашга қаратилган «Тадбиркор-

лик фаолияти соҳасидаги руҳсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги қонунга мувофиқлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Ушбу қонун лойиҳасида мамлакатимизнинг айрим қонун ҳужжатларига, шу жумладан, «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Валюта тартибга солиш тўғрисида»ги, «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонунларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунчилик палатаси масъул кўмиталарининг вакиллари ушбу қонун лойиҳалари юзасидан сўзга чиқдилар. Улар таклиф этилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий қоидаларини, шунингдек, уларнинг демократик бозор ислохотларини янада чуқурлаштиришдаги аҳамиятини баён қилдилар.

Ушбу қонун лойиҳалари барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари иштирокида ҳар томонлама муҳокама этилганидан кейин депутатлар уларни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Қонун лойиҳаларини кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш масъул кўмиталарга топширилди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик  
палатасининг Ахборот  
хизмати**



## МАМЛАКАТИМИЗДА

• «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими ва унинг жойлардаги бўлимлари ходимларининг малакасини оширишга бағишланган икки кунлик ўқув-семинари ўтказилди. Унда вилоятдаги 968 ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари иштирок этди.

• Нукусда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида фан олимпиадасининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи ўтказилди. Тўрт кун давом этган фан олимпиадасида 600 нафарга яқин ўқувчи ўзининг интеллектуал салоҳиятини намойиш этди. Ҳар бир фан бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаган элликка яқин ўқувчи фан олимпиадасининг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

• Сирдарё вилояти Янгйер шаҳрида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Омадтекс» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Хориждан келтирилган замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхона ойига 120 минг дона болалар ва катталар либослари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳаллий хомашёдан тайёрланадиган кийимлар юз фоиз экспортга йўналтирилади. Чет эллик буюртмачилар ҳозирданоқ корхона билан шартнома тузмоқда.

• Кувасой шаҳрида Фарғона вилоятининг сармоявий салоҳиятини ривожлантиришга бағишланган халқаро бизнес-форум бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган анжуманда Хитой, Жанубий Корея, Япония, Россия, Германия каби йигирмадан ортқ мамлакатдан элликдан зиёд йирик фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

## ЖАҲОНДА

• Словакияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Сайлов натижаларига кўра, тадбиркор Андре Киска мамлакатнинг янги президенти сифатида ўз вазифаларини бажаришга киришади.

• Кечадан бошлаб Озарбойжонда соат миллиари бир соат олдинга суриб қўйилгани ҳолда ёзги вақтга ўтилди.

• Хитой Халқ Республикасининг коррупция бўйича айбланаётган собиқ ижтимоий ҳавфсизлик вазири Чжоу Юнкан ва унинг атрофида фаолият кўрсатган бир неча кишидан 14,5 миллиард долларлик маблағ мусодара қилинди.

• Норвегиянинг собиқ бош вазири Столтенберг тез орада НАТОнинг янги бош қотиби сифатида ўз фаолиятини бошлайди.

• Олимлар кам ухлаш мия ҳужайраларининг ҳалок бўлишига олиб келишини аниқладилар. «The Journal of Neuroscience» нашрида чоп этилган тадқиқот натижаларига кўра узок пайт ухламаслик сичқонларда тегишли мия ҳужайраларининг нобудгарчилигига олиб келиши мумкинлигининг дастлабки далилидир. Энди одамларда ҳам шундай ҳолат рўй бериш-бермаслигини аниқлаш лозим.

✓ **МИРЗО УЛУҒБЕК** номидаги маданият ва истироҳат боғида спортнинг техник ва амалий турларидан бири — «Лайлак-варрак» учиреш бўйича Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақаси бўлиб ўтди.



**Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири «Ўзбек модели» асосида маҳаллий ишлаб чиқариш соҳасини модернизация қилиш ва замонавий қувватларни ишга тушириш орқали сифатли ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва дунё бозорида ўз ўрнини эга бўлишдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури» ишлаб чиқилган эди.**

Мамлакатда рақобатбардош юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, ички истеъмол бозорини турли товарлар билан янада бойитиш ҳамда ҳудудий иқтисодиётнинг юксалишида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳиссаси бекиёсдир. Бу борада ишбилармонларимиз томонидан амалга ошириб келинаётган эътиборга молик ишларни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Юртбошимиз томонидан мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади» деб йилнинг бош истиқболи белгилаб берилди.

Бу борада рақобатбардош ички маҳсулотлар тайёрлаётган корхоналарнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг қўллаб-қувватланиб келинаётганлиги уларнинг ички бозордаги салоҳиятини янада мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўрни келганда шуни қайд этиш керакки, мамлакатимизда маҳаллий ишлаб чиқаришни, жумладан, енгил ва оғир саноатни ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборларида бўлиб келмоқда.

Бу борада «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Оилавий тадбиркорлик» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Республика саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга қаратилган бошқа қатор меъёрий ҳужжатлар ички бозорнинг сифатли маҳсулотлар билан тўлдирилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, мамлакатимизда импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасидаги кооперацияни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз томонидан 2011 йил 29 июлда қабул қилинган «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011-2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида»ги

**Депутат: бурч ва масъулият**

## МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ЮКСАЛТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Қарор бу борада муҳим дастуруламал бўлди.

Саноат соҳасида юксак технологияларга асосланган ва замонавий муҳим объектлар ва қувватларни ишга тушириш, инвестицияларни ошириш ва такомиллаштириш жорий йилнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан тасдиқланган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурига мувофиқ жорий йилда Тошкент шаҳрида юз мингга яқин иш ўринларининг яратилиши белгиланган.

Жумладан, 2013-2015 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида жорий йилда икки мингдан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилиб, қўшимча тарзда қарийб йигирма мингга янги иш ўринларини ташкил этиш режалаштирилган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳамда уларнинг таркибидagi тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини шакллантириш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда салкам етти мингга

янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткичнинг камида саккиз ярим минггага етиши кўзда тутилмоқда. Айни пайтда пойтахтда қирқ мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият юритиб келмоқда.

Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес субъектлари асосий қисмининг бевосита аҳоли учун эҳтиёжманд сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан шугулланаётгани ички бозорнинг мўътадил сакланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттиришда биздан фақат мунтазам изланишимиз, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишимиз, ўз жойимизда астойдил меҳнат қилишимиз талаб этилади.

Ўрни келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, айнан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ташкил этилаётган янги иш ўринларига касб-хунар коллежлари битирувчиларининг жалб этилиши аҳамиятлидир.

Тошкент шаҳрида маҳаллийлаштириш дастури ижроси, мавжуд саноат корхоналарини ривожлантириш, фаолияти сусайган баъзи корхоналарни жонлантириш каби қатор масалалар халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг ҳузуридаги доимий комиссияларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

«Соғлом бола йили» Тошкент шаҳар ҳудудий дастурида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг асосий бўғини ҳисобланган тадбиркорликка алоҳида ўрин берилган. Жумладан, пойтахт ҳудудий дастурида аёллар тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорлики ҳар томонлама ривожлантириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, аёл тадбиркорларга, шунингдек, ишловчиларининг камида 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига имтиёзлик кредитлар ажратилиши, ёшларни, жумладан ёш оилаларни кичик бизнесга жалб этиш, оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида ёш оилаларнинг кредит ва грантлар олишига қўмаклашиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш белгиланиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

**Абдумавлон ҚОСИМОВ,**  
халқ депутатлари Тошкент шаҳар  
Кенгаши депутати

## ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ЛОЙИҲАСИ АСОСИДА

**Пойтахтимизда таълим тизимида иқлим ўзгариши билан боғлиқ масалаларни ўрганишни такомиллаштириш мавзусига бағишланган семинар бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази ва БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари, таълим муассасалари мутахассислари, журналистлар иштирок этди.

Гидрометеорология хизмати маркази директорининг биринчи ўринбосари Баҳриддин Нишонов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг атроф-муҳит ва энергия департаменти раҳбари Уллубек Исмолов ва бошқалар мамлакатимизда экологик муаммоларнинг олдини олиш, ишлаб чиқаришда экологик соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича ҳадли конвенциясига аъзо бўлган. Мамлакатимизда ушбу ҳужжат ижроси юзасидан кенг қўллаб-қўллаш ишлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш ва қишлоқ ҳўжалигида экологик тоза, тежамкор технологияларни жорий этиш, автомобилларни соф ёқилғига ўтказиш, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майда қабул қилинган «2013-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бу соҳадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Таълим муассасаларида ёшларнинг экологик мадания-

тини ошириш, уларда атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантиришга қаратилган дарслар ташкил этилган. Жамоатчиликнинг иқлим ўзгаришларига оид билим ва савиясини юксалтириш, соҳада малакали кадр ва мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам муайян ишлар олиб борилаётди.

БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш» лойиҳаси ушбу соҳадаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда. Тажриба сифатида 2011 йилдан буюн Қашқадарё вилоятида амалга ошириб келинаётган мазкур лойиҳа доирасида ахборот-ресурс марказлари, ис-сикхоналар қурилмоқда, томчиллатиб сугориш кенг жорий этилмоқда. Ўқувчи ва талабаларнинг амалий машғулотлари шу жойларда ўтказилляпти. Иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш ҳақидаги ахборот бюллетенлари фермерларга қўл келаяпти. Шу мавзуда давра суҳбатлари, ўқув семинарлари ташкил этилмоқда. Бу борадаги дунё тажрибасини ўрганиш мақсадида хорижий мамлакатларга сафарлар уюштирилмоқда.

Семинарда иқлим ўзгариши ва иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш бўйича хабардорлиқни ошириш, олий таълим муассасалари учун махсус ўқув дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга оид масалалар юзасидан атроф-муҳит фикр алмашилди. Иқлим ўзгариши ва иқлим билан боғлиқ хавфларни бошқариш тўғрисидаги электрон ўқув қўлланмаси тақдим этилди.

**НОДИРА МАНЗУРОВА,**  
ЎЗА мухбири



## ЭНГ САМАРАЛИ ИШЛАНМА ВА ЛОЙИҲАЛАР АМАЛИЁТГА КЕНГ ЖАЛБ ЭТИЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда олимлар ва иxtирочилар томонидан таклиф этилиб, мамлакатимиз иқтисодиётининг ишлаб чиқариш тармоқларида синовдан ўтказилаётган инновацион технологиялар ва лойиҳаларнинг асосий қисми маҳаллий хом ашёлардан самарали фойдаланиш, технологик қурилмалар ва жараёнларни модернизация қилиш, сарф-харажатларни камайтириш, маҳсулотларни ишлаб чиқаришда энергия ва ресурс тежамкорлигига эришиш каби аниқ мақсадларга қаратилган бўлиб, самарали натижага эришган ишланмалар амалиётга кенг жорий этилмоқда.

— Ҳудудий ярмаркада ўнга яқин янги лойиҳалар билан иштирок этмоқдамиз, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент Темир йўл муҳандислари институти илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи, доцент Сайдухон Жаборов. — Аксарият ишланмаларимиз темир йўл соҳасини такомиллаштиришга бағишланган. Масалан, тақдим этаётган янги қурилмани маълумот узатишга мўлжалланган бўлиб, у машинистга йўлдаги турли хавф-хатар ва воқеа-хидислар ҳақида маълумот етказиш вазифасини ўтайдди.

Кўргазмада Мирзо Уллубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент Давлат аграр университети каби мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юрлари ўзларининг интеллектуал маҳсулотларини намойиш этган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари янги гоа ҳамда технологиялар асосида ишлаб чиқарган маҳсулотларини омма эътиборига ҳавола қилишди.

Жумладан, «Magnum medical servis» масъулияти чекланган жамияти тиббиёт ускуналари, «Bekmaplyus» корхонаси тиббиёт буюмлари ва воситаларини, витаминларга бой янги препаратларни «Протон» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «Le Assante Cosmetics» масъулияти чекланган жамияти

ҳар хил гигиеник совунларни намойиш этишди.

— Биз ярмаркада ўзимизнинг бионетир тизимимизни ҳавола этмоқдамиз, — дейди «Newmax technologies» компанияси менежери Темур Сагдуллаев. — Biotrack деб номланган бу тизим махсус ускуналар ёрдамида ишлайдиган бўлиб, корхона, ташкилотлар, муассасалар, умуман, барча биноларга одамларнинг келиб-кейтиш вақтини беҳато аниқлайди. Қурилма инсон бармоқ изларини аниқлаб, сонлар кўринишида ўз хотирасида сақлайди. Ушбу қурилмани барча эшикларга ўрнатиш мумкин ва бу хонадон эгаларига ҳам қўллаб қулайликлар яратди.

Мамлакатимизда замонавий саноат, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида энергия ресурсларини тежаш, муқобил қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш борасида қўллаб қўллаб илмий ишлар олиб борилмоқда. Ярмаркада «Физика-қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан айнан шу йўналиш бўйича янги турдаги энергия етказиб берувчи воситалар намойиш қилинди.

Илмий муассасалар ва ҳўжалик субъектларининг амалий фаолияти жараёнида юзага келадиган масалаларни тезкор ҳал қилиш мақсадида ушбу кенг қўламдаги инновациялар гоаялар ва технологиялар ярмаркасида «Ўзтадбиркорэкспорт» ва «Ўзпроммашимпекс» компаниялари, солиқ идоралари, тижорат банклари ва шунингдек, Савдо-саноат палатаси вакиллари иштирок этишди.

Янги инновацион технологиялар, замонавий ишланмалар ва илгор гоаялар билан танишиш учун Тошкент шаҳар ҳудудий ярмаркасида 300 дан зиёд саноат корхонаси вакиллари, олий ўқув юрлари талабалари, касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳам таширф буюришиб, келгусидаги фаолиятларида асқотадиган жуда фойдали билимларга эга бўлишди.

**Абдуалим САЛИМОВ,**  
**Фаррух БАҲРОМОВ**  
Ислом Исмоилов олган суратлар

## ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИЛМИЙ АНЖУМАНЛАРНИНГ ЎРНИ

**Бугунги кунда илмий-техник тараққиётнинг тобора юксалиб бораётганлиги ўқув манбаларини янги маълумотлар билан бойитиш, ўқувчиларнинг келажақдаги ҳаёти ва фаолиятини ҳисобга олган ҳолда, таълимни юқори савияда ташкил қилишни долзарб масалалардан бирига айлантирмоқда.**

Машғулотларда, синфдан ташқари ишларни бажаришда ўқувчиларнинг қизиқишига, мойиллигига, қобилиятига қараб янги материалларни индивидуал ўзлаштиришлари алоҳида ўрин тутди.

Табиики, олинаётган билимларнинг қизикарли ва замонавий бўлиши ўқувчиларда қониқиш, ўз қучига ишониш, ўрганиш жараёнини давом эттиришга иштилош ҳиссийатларини уйғотди. Мана шундай вазифаларни бажаришда бир неча йиллардан бери ТДУУ қошидаги аниқ фанларга ихтисослашган мактабда ташкил қилинаётган илмий анжуманлар муҳим ўрин тутмоқда.

Илмий-амалий анжуман баҳорги таътилда ўтказилди ва унда маърузалар билан бошқа мактаблар ўқувчилари ҳам қатнашмоқда. Конференцияга илгор педагогик маҳоратга эга бўлган мактаб ва олий ўқув юрлари ўқитувчилари, таниқли мутахассислар таклиф қилинади. Бу ўқувчиларга қўйилган масалани ва унинг ечимини шарҳлаб бериш билан бирга, ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини яратди. Мавжуд маълумот билан муаммоларни ечишга оид ахборот орасида муносиблик бўлиши лозим. Ўқувчининг ўзига нотаниш бўлган янгиликка мустақил эришиши унинг ижодий фаолиятини, вужудга келадиган муаммоларни қулайлик билан ечиш ўқувларини шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Бу галги аънавий анжуман ҳам худди шундай самарали ўтди.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчилар тадқиқот ишларини олиб боришда ахборот технологияларидан самарали фойдаланмоқдалар. Бунга илмий-техник масалаларга оид маълумотларни тўплаш билан бир қаторда, дарсда зарур бўлган қўнунларнинг аналитик инфодаларини, моддаларнинг физикавий, кимёвий тафсилотларини, математик функцияларни, сўзаларнинг таржималари кабиларни интернет тизими орқали тезкорлик билан топаётганликлари далилдир.

Ўқувчиларнинг ҳар бир илмий иши фойдаланилган манбалар, қизмалар, расм, ҳарита, жадвал, тақриз кабиларни ўз ичига олган реферат кўринишида тайёрлаш ва улардан барча ўқувчилар йил давомида ижодий фойдаланишлари мумкин.

Мана шундай усулда тайёрланган қайта тикланувчи энергия манбаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш, табиий ресурслар ва материалларни иқтисод қилиш, атроф-муҳитни ифлослантиришнинг олдини олиш, экологик муқимоларни ечишга оид кўтарилган масалалар ўқувчилар орасида кенг муҳокама қилинмоқда.

Ўқувчиларнинг илмий анжуманларда қизиқлари берилётган маълумотга ўртоқларининг ҳам қизиқиши орттиришга, маърузачининг эса ўқув материалларини чуқурроқ ўрганишни давом эттиришга иштиёқ уйғотмоқда. Шу билан бирга, илмий-тадқиқот ишларида қатнашган ўқувчиларнинг нотиклик маҳорати, ўз фикрини ҳимоялаш, баҳсга киришиш, ҳисобот, мақола кабиларни тайёрлашда ўз фикрини аниқ ва лўнда баён қилиш малакалари ортиб бораётганлиги сезилмоқда.

**Баҳодир Йўлдошев,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими  
ҳодими

### «Камолот»

## ЁШЛАР ТАЪЛИМ- ТАРБИЯСИДА ОТА- ОНАЛАРНИНГ РОЛИ

**Чилонзор туманидаги Тошкент педагогика коллежида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши билан ҳамкорликда «Баркамол авлодни тарбиялашда оила ҳамда ота-оналарнинг ролини ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда коллеж маъмурияти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ходимлари, туман Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссияси, туман ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳамда ўқувчи-ёшларнинг ота-оналари иштирок этишди.

Тадбирда ўқувчиларнинг ота-оналарига «Маҳалла — таълим муассасаси — оила» концепцияси асосида ишларни самарали ташкил этиш, қизлар ўртасида эрта турмушга қиқиш ҳолатлари, ўқувчи-ёшлар, айниқса воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳўқуқбузарликларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг таълим муассасаларида уяли телефондан фойдаланиш одоби, қийиниш маданияти ҳамда тунги соатларда якка тартибда интернет клублари, кўнгилочар масканларда юришларининг олдини олиш борасида қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида сўз юритилди.

Давра суҳбати давомида сўзга қизқанлар бугунги кунда ёшларимиз учун яратиб берилган шарт-шароитлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари, бунда ёшларнинг иштироки ва ролни тўғрисида маълумотлар бериб ўтишди.

— Ташкил этилган йиғилишдан кўзланган мақсад ёшларимизни республикамизда жорий этилган 9 йиллик умумтаълим мактаб ҳамда 3 йиллик академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги мажбурий таълимга тўлиқ қамраб олиш ҳамда бу борада воёга етмаган фарзандлар тарбияси учун маълум бўлган ота-оналарнинг масъулият ва ролини оширишга қаратилган, — дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Чилонзор туман Кенгаши раиси Баҳодир Зиёевидинов. — Биз фарзанднинг таълим муассасасидаги ўқув машғулотларида иштирокини таъминламай, келажақга бефарқ қараш эртага ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида ота-оналарнинг ўйлашларини истардим.

Йиғилиш сўнгида ота-оналар Кенгашининг фарзандлар тарбиясида ота-оналар масъулиятини ошириш борасидаги ишлар самарадорлигини қучайтиришга қаратилган қарори қабул қилинди.

**Зафар НАЗАРОВ**





Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитасининг саҳифаси

**Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг иккинчи ярмида қўмита мажлислар залида очик эшиклар куни ўтказиб келинади. Жумладан, 2014 йилнинг биринчи чораги давомида 12 та шундай тадбирлар ташкил этилди.**

## ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Очик эшиклар кунида тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг Табиатини муҳофаза қилишга оид қонунлари ва қонун ости ҳужжатлари, талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва ким томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги муурожаатлари ва муурожаат аризаларига қўриб чиқиладди. Бундан ташқари ишонч телефонларида кўплаб муурожаатлар ҳам бўлади ва улар ижобий ҳал этилмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари жамиятининг иқтисодий негизи ҳисобланади. Уларнинг эркин фаолият юритишлари учун юртимизда кенг имкониятлар яратилмоқда. Шунинг алоҳида эътироф этиш кераки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг кўплаб Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Бу қарорлар замирида ти-

зим фаолиятини бевосита кенгайтириш, фаоллаштириш ва зарурий имтиёзлар яратиш мавжуд.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитасининг тегишли бўлиmlари томонидан муурожаат қилинган ҳар бир масала ижобий ҳал этилади. Масалан, 2014 йил 27 февралдаги очик эшиклар кунида Миробод тумани, 8 март кўчаси, 24-уйда жойлашган «ATLANT GRAND SAVDO» МЧЖ томонидан ПВХ қўпиртирилган листларни қандай расмийлаштириш кераклиги тўғрисидаги ариза муурожаати қўриб чиқилди. «НБЛ PHARMACEUTIC» МЧЖ томонидан эса «FOUF» русумли косметика воситаларини расмийлаштириш, бунинг учун қандай ҳужжатлар олиш кераклиги тўғрисида муурожаат этилди. Ушбу муурожаат ижобий ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмаслик шарти билан маълумотнома берилди.

Шу тариқа муурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси ҳуқуқий тадбиркорларга ҳамма вақт кўмаклашишга тайёр, уларнинг муурожаати ижобий ҳал қилинмасдан қолмайди. Бундан ташқари қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келимоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан очик эшик кунида фаол қатнашиб, ишонч телефонларида кўнғироқ қилишда давом этишларини сўраб қоламиз.

Қўмита ходимлари Сизга амалий ёрдам кўрсатишга ҳар доим тайёр.

**З.АХМЕДОВ,**

Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси  
Назорат бўлими бошлиғи

### Долзарб мавзу

## ЛЮМИНЕСЦЕНТ ЛАМПЛАРНИ ЗАРАРСИЗЛАНТИРИШ — НАЗОРАТ ОСТИДА

**Биласизми, битта синган люминесцент лампа қисқа вақтдан сўнг ўткир захарланиш чегарасидан 20 баравар юқори бўлган симоб бугларининг концентрациясини келтириб чиқаради. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти таснифига кўра, симоб захарли моддаларнинг биринчи тоифасига киради, яъни ўта кучли захар ҳисобланади.**

Симоб инсон организмга сингиб, унда тўпланиб бориб, асаб тизимига, миёга таъсир кўрсатади, буйрак, ошқозон-ичак фаолиятини издан чиқаради. Гидросферанинг симоб билан захарланиши ушбу металл қўлланилиши қўламнинг кенгайганлиги ҳамда айрим ҳосилаларнинг юқори даражада захарли эканлиги туфайли махсус тадқиқотларни талаб қилади. 1965 йилда Япониядаги Минамата бухтасида содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида 43 киши ҳалок бўлиб, юзлаб аҳоли кучли даражада захарланганда симобнинг нақадар захарли хараёни кенг овоза бўлган эди. Ушбу захарли ацетальдигид заводи томонидан оқова сувлар билан бирга денгизга оқизилган симоб чикиндиларидан захарланган балик ва денгиз маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибатида руй берган.

Бугунги кунда дунёда симоб ишлаб чиқариш йилига 10 минг тоннадан ошиб кетган. Қазилма ёқилгиларнинг ёниши туфайли атмосферага ҳар йили яна 300 тонна симоб чиқарилади. Уларнинг 20 фоизи саноатда қўлланилса, қолгани атроф-муҳитга тарқалади. Ўзингизда бўлсин, масалан, кўчаларда бир вақтинг ўзида синдирилган 1000 та лампа, унчинг қаватгача бўлган Тошкент шаҳар ҳудудининг 75 фоизини захарлаши мумкин. Люминесцент лампаларнинг фақат махсус технологик режим бўйича махсус ускунада рухсат берилган тарзда йўқ қилиниши атроф-муҳитга зарарли таъсирини 8,5 минг баравар камайтириш, демек, аҳолини хавф-хатардан холи қилиш имконини беради.

«ASP SELTA» МЧЖ — таркибда симоб бўлган люминесцент лампаларни демаркуризация қилиш бўйича кўйма ва турғун ускуналарини яратувчиси ва ишлаб чиқарувчиси. Мазкур фирма нафақат Ўзбекистонда, балки МДХ мамлакатларига ҳам ўз хизматларини тақдир этди. Компания экологик хавфсиз технология бўйича иш олиб боради, Давлат табиатини муҳофаза қилиш қўмитасининг Давлат экологик экспертизаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария, гигиена ва касб касаликларини институтининг санитария-гигиена экспертизаси хулосаларига, тахриба-саноат

намуналари бўйича мувофиқлик сертификатига ва қатор бошқа ҳужжатларга эга.

Ҳозирги пайтда у республикамизнинг металлургия, экология ва оқова сувларни тозалаш соҳасидаги етакчи мутахассислар томонидан ташкил қилинган Ўзбекистонда шу турдаги ягона фирмадир. Люминесцент лампаларни демаркуризация қилиш бўйича технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишдан ташқари компания гальваностокларни оғир металллар ионларидан тозалаш ишларини ҳам амалга оширмоқда. Қайта ишлаш технологияси ва ечим конструкцияси асослари патентлар билан ҳимояланган. Лампаларни қайта ишлаш технологияси 1998 йилда Манилада (Филиппин ороллари) ўтказилган I Жаҳон «Умумжаҳон ривожланиш» кўргазмасида олтин медалга сазовор бўлган. 1999 йилда ускуна Софияда интеллектуал технологиялар алмашинуви бўйича бўлиб ўтган «Шарк — Фарб — Евроинтеллект» кўргазмасида олтин нишон билан тақдирланган.

2003 йилда «ASP SELTA» жамоаси Умумроссия иқтисодий ресурсларни тўплаш ва қайта ишлаш соҳасидаги энг яхши корхона танловидида галабаси учун Россия саноат, фан ва технологиялар вазирлигининг фаворит бўлиб тақдирланган. Демаркуризация ускунасининг самардорлиги соатига 180 лампани ташкил этади, ёки бир сменали иш тартибда йилига 300 мингта лампа йўқ қилинади.

Айни пайтда муаммо шундаки, таркибда симоб бор лампаларни демаркуризация қилиш учун уларни фақат ҳўжжали ҳисобидида ташкилотлар топширмақда. Бюджет ташкилотлари ва аҳоли фойдаланишга яроқсиз лампаларни йиғиш жараёни билан қамраб олинмаган. Демек, улар чикиндиҳоналарга ташланади, у ерда синиб, атроф-муҳитни захарлайди. Лампаларни синдириш, ўзингизни ва ақил-лингизни асранг. Чикиндиҳонадаги лампа — бу аста-секин ўлим демарки.

**Наргиза ЗОКИРОВА,**

Тошкент шаҳар табиатини муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси

**Баҳор фаслида об-ҳавонинг нам келиши, ёнгарчиликлар туфайли замбуруғлар ўсиб, ривожланиши учун қулай шaroитлар вужудга келади. Бу фаслда кўплаб замбуруғлар пайдо бўлади ҳамда ўсиб кўпаяди.**

## ЗАҲАРЛИ ҚЎЗИҚОРИНЛАРДАН САҚЛАНИНГ

Ер юзиде замбуруғларнинг 100000 дан ортиқ ботаник турлари мавжуд бўлиб, улардан 200 туригина истеъмол қилиш учун яроқлидир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эса замбуруғларнинг 200 дан зиёд тури мавжуд. Бироқ шулардан 25 туригина истеъмол учун яроқли ҳисобланади. Уларни маҳаллий аҳоли қўзиқоринлар деб атади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистоннинг ҳар қайси вилоятларида, ҳар бир туманида қўзиқоринларнинг фақат айрим, муайян турларига терилиб, улардан турли хилдаги тансиқ тоғмолар тайёрланади. Бу истеъмол учун яроқли қўзиқоринлар маъдани моддалар, оқсил ҳамда «С» ва «В» гуруҳларига махсус витаминларга жуда бойдир.

Бироқ республикамиз ҳудудида ўсадиган қўзиқоринларнинг 150 дан зиёд ботаник турлари захарли ҳисобланади. Уларни асло истеъмол қилиб бўлмайди. Бундай замбуруғ турларини маҳаллий аҳоли ўз ибораси «Салтан захарли ўсимлик» — «қўрбақанинг салласи» деб атади.

Бу турларга мансуб қўзиқоринлар таркибиде гелиелат кислотаси, фаллотоксин, аммонитоксин ва бошқа захарли моддалар мавжуд бўлиб, уларга қанчалик ишлов берилмасин, таркибидеги захарли моддалар йўқолиб кетмайди. Улар қўзиқоринга жуда ҳам турғун, қайнатилганда зарарсизланиб, оксиген таъсирида оксинланмайди ва ошқозон-ичак ферментлари таъсирида парчаланмайди. Захарли замбуруғлар ширимиз ҳудудидаги боғларда, қабристонларда, сайхон жойларда, дарактлар те-варигада ва бошқа жойларда ҳам учраб туради. Бу замбуруғлар ҳам барча истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқоринларга ўхшаб оғибон шакли-

да ўсади, уларни билмай истеъмол қилган киши қаттиқ захарланади.

Шаҳрлараро автомагистрал йўли ёқаларида, қимёвий моддалар ишлаб чиқариш корхоналари ёки улар сақланганда оғибонларга туташ ҳудудларда ўсган истеъмол учун яроқли бўлган қўзиқорин турларини ҳам териб, истеъмол қилиш натижа-сида улардан захарланган қайд этилиши мумкин. Чўки, қўзиқоринлар атмосфера ҳавоси, қимёвий моддалар билан зарарланган сув ва ту-роқдаги захарли қимёвий моддалар-ни синдириб олиш ҳусусиятига эга-дир. Шунинг учун, келиб чиқиши но-маълум бўлган қўзиқоринларни ша-ҳарлараро автомагистрал йўли бўйларига ҳамда аҳоли гавжум тўпланган жойларда сотаётган фуқаролардан асло харид қилманг.

Республикамизнинг баъзи жамоа ҳўжаликлари ва ширкатларига мах-сус иссиқхоналарда истеъмол учун яроқли бўлган «Вешанка» ва «Шам-пиньон» каби қўзиқорин турларини етиштириш ва савдо қилиш учун рух-сат берилган. Бу ҳўжалик ва шир-катларда етиштирилган қўзиқор-инлар ва улардан тайёрланган кон-серва маҳсулотлари санитария-эпи-демология хизмати лаборатория-ларида таҳлил қилиниб, улар инсон соғлиғи учун зарарсиз бўлган тақ-

дирда ҳар бир маҳсулотлар учун ги-гиеник сертификат берилади. Ана шундай сертификатга эга бўлган қўзиқорин ва ундан тайёрланган мах-сулотларни турғун савдо шохобча-ларидан харид қилишингизни тавсия қиламиз.

Замбуруғлар таркибидеги захар-ли моддалар жигар, буйрак, меъда ости бези ва марказий асаб тизи-ми аъзоларини қаттиқ шикастлай-ди. Қўзиқориндан захарланиш ало-датлари вужудга келган тақдирда, беморга 5-6 пайла илк мамакоб-ли сув ичирилиб, уни сунъий қай-қилдириб, меъдаси ювилиши керак. Агар меъда ювилиб, ундаги захар-ли моддалардан халос этилмаса, бу моддалар қонга сўрилади ва за-харланиш янада оғир кечади. Бу беморларни ўй шарoитда билиб-билмай даволаш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳoлнинг олдини олиш учун эҳдиқ билан ши-фокорга муурожаат қилишни унут-манг.

Эсингизда бўлсин, захарли қўзиқоринлар соғлигингиз учун ўта хавфлидир.

**Шухрат ЮСУПОВ,**

Тошкент шаҳар Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази оқватлаши гигиенаси бўлими мудири

### Тадбиркорлар ва фуқаролар диққатига

## ШАҲАРСОЗЛИК МЕЪЁРЛАРИГА ҚАТЪИЙ РИОЯ ҚИЛАЙЛИК

**Тошкент шаҳрида йилдан йилга кенг ҳажмда бунёдкорлик ишлари қонун ҳужжатлари талабига мувофиқ олиб борилиб, янгидан-янг замонавий талабларга жавоб берадиган уй-жойлар қурилмоқда. Лекин айрим фуқаролар уй-жойларни рухсат берувчи ҳужжатларсиз ўзбошимчалик билан қуриш ёки уларни қайта таъмирлаш қонунбузилиш ҳолатларига олиб келиши ҳақида билишадими деган ўринли савол туғилади.**

Бугунги кунда, баъзи фуқароларимизнинг амал-даги қонун ҳужжатларини тушуниб етмаслиги ёки уларга эид равишда иш олиб бораётганлиги ҳолат-лари учраб турибди. Яъни, қурилиш учун ажратил-ган ер майдонлари ва қайта қурилатган, таъмирла-наётган бино-иншоотларга маҳаллий давлат ҳокими-яти органларининг рухсати бўлмай туриб, қўшимча ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, тасдиқланган лойиҳадан четта чиққан ҳолда қўшимча бино-иншоотларни барпо этиш ҳамда қўп қаватли турар жойлардаги хонадонларнинг ички конструкция-ларига ўзбошимча равишда ўзгартиришлар кири-тиш оқибатида, ака-укалар ёки ён қўшиллар ўртаси-да уй-жойлардан фойдаланиш тартиби бўйича ўзаро низолар келиб чиқмоқда.

Шу боис, ҳар бир фуқаро қонун олдидаги ўз ҳўқуқи ва мажбуриятларини билиши лозим. Ноқонуний равишда уй-жой қурган ёки қайта таъмирлаган, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар қонун олдида жавобгар бўлиши ҳақида фуқароларни огоҳлантиришимиз шарт.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексининг 11-моддасига кўра, турар жойларнинг қўринишини ўзгартиришга, уларни қайта қуриш ёки бузишга ма-ҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тегишли рух-сатномаси бўлган тақдирда йўл қўйилиши белгилаб қўйилган.

Шунингдек, яқка тартибда уй-жой қуриш ва ре-конструкция қилиш ишлари Ўзбекистон Республика-си Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 2 июлдаги 184-сонли қарори билан тасдиқланган «Туманлар (ша-ҳарлар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари то-монидан яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструк-ция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлаштириш, лойиҳаларни ваколатли органлар-да бир жойининг ўзида келишиш тартиби тўғрисида Низом» ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2010 йил 31 мартдаги 172-сонли қарори билан тасдиқланган «Яқка тартибда уй-жой қуриш (реконструкция қилиш)ни амалга оширишга рухсатномаларни расмийлашти-риш ҳамда лойиҳаларни бир жойининг ўзида кели-шишда туман ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркор-лик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияла-ри, архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ва ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаларининг ўзаро ишлаш тартиби»га асосан амалга оширилиши лозим.

Бундан ташқари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2012 йил 11 октябрдаги «Тошкент шаҳрида уй-жой фон-дири сақлаш ва шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 820-сонли қарори қабул қилинган бўлиб, унда яқка тар-тибдаги уй-жой даҳаларида фуқаролар томонидан амалдаги ва лойиҳадаги йўллар устини, муҳандис-лик иншоотларининг муҳофаза ҳудудларини, уй-жой-лар атрофидаги бўш ер майдонларини ўзбошимча-лик билан эгаллаш, туташ ер майдонларида ҳар хил турдаги ўзбошимча қурилмаларни қуриш ва панжа-ралар билан ўраб олиш, қўп қаватли турар жойлар-даги хонадонларни ва ёрдамчи хоналарни қайта қуриш, қўшимча қурилмаларни қуриб олиш ва ҳока-золар қатъиян ман этилиши белгилаб қўйилган.

Эслатиб ўтиш жоизки, фуқаролар, қонун ҳўжжа-лари билан белгилаб қўйилган мажбуриятларга эид равишда қурилган ёки қайта таъмирланган уй-жой-ларни сотишга, ҳада этишга, ижарага беришга, имо-ратта нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас-лар. Бундай қонунбузилиш ҳолатларини амалга ошир-ган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 160-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима қўлланилади ва Ўз-бекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-мод-дасига асосан суд органлари томонидан чора қўриш-лик учун юборилади. Шунингдек, ер майдонларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олган шахслар Ўзбе-кистон Республикаси Жиноят кодексининг 229-1-мод-дасига асосан энг кам иш ҳақининг эллик баравари-дан ўн бараваригача миқдорда жарима ёки уч йил-гача аҳлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойга қамоқ жа-зоси билан жазоландилар.

Азиз ҳамшаҳарлар, уй-жойларнинг қўркам, чи-ройли ва замон талабига жавоб берадиган усулда қуришдан аввал, Ўзбекистон Республикасида белги-ланган қонунларга амал қилган ҳолда ушбу қурилиш-га рухсат берувчи ҳўжжатларни расмийлаштиришни унутманг. Бу билан сиз ватанимизнинг ҳўқуқий дав-лат сифатида янада ривожланишига ўз хиссангизни қўшган бўласиз.

Қўшимча савол ва тақлифларингизни [www.kadastir.uz](http://www.kadastir.uz) ҳамда [www.odnokono.uz](http://www.odnokono.uz) интернет саҳифалари ор-қали ёки ҳар ойнинг 1 ва 3 ҳафтаида ўтказиладиган «Очик эшиклар куни» тадбирида беришингиз мумкинлигини маълум қиламиз. (Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 2а-уй.)

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси маъмурияти**

## ЎСИМЛИКЛАР ДУНЁСИГА ЗАРАР ЕТКАЗМАНГ

**Барчамизга маълумки, Бош Қомусимиз ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 1992 йил 8 декабрь кунидан бошлаб амал қилмоқда. Табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий қонун эса, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни бўлиб, у айнан ўша йили 9 декабрда қабул қилинган. Бу ҳукуматимизнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасига бўлган улкан эътиборидан қарат беради.**

Йўналиш бўйича оладиган бўлсак, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган.

Вақт ўтиши билан бирга бир неча йил аввал экилган дов-дарактлар қури-ши, зараркунданлар билан касалла-ниши ёки танаси эгилиб авария ҳола-тига келиб қолиши мумкин. Пирова-рида бундай дарактларни кесиш эҳти-ёжи пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда ўсимлик дунёси объектларидан фой-даланиш Ўзбекистон Республикаси Ва-зирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги «Биология ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уларни Ўзбеки-стон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш усти-дан нazorатни қўйиштириш тўғрисида»ги қарорига асосан амалга оширилади. Ушбу қарор талабларига мувофиқ да-рактларни кесиш ўсимлик дунёсидан махсус фойдаланиш жараёнига кириб, у тўлов эвазига рухсатномалар асо-сида амалга оширилади. Шунинг таъ-кидлаб ўтиш кераки, агар кесилиши лозим бўлган дарактлар қуриб қолган бўлса, бундай ҳолатларда тўлов пули ундирилмайди. Дарактларни кесиш учун ҳудудий бириктирилган ташкилотлар (ширкат, мактаб, маҳалла қўмитаси, мактабгача таълим муассасаси ва бошқалардан Тошкент шаҳар табиат-ни муҳофаза қилиш қўмитасига ариза берилиши керак. Қўмитанинг Давлат инспекторлари томонидан амалга оши-рилган ўрганиш натижасига кўра да-лолатнома тузилади ва у баъарий учун аризадаги томонидан имзоланади. Тузи-лган даполатномаларга асосан Ўзбе-кистон Республикаси Адлия вазирли-гидан рўйхатдан ўтган дарактларни ке-сиш учун рухсатнома бланклариде рас-мийлаштирилади. Рухсатнома тегиш-ли туман ҳокимининг биринчи ўринбо-сари томонидан имзоланиб, ҳокимлик муҳри билан тасдиқланади. Дарактлар-ни буташ учун табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсати талаб этилмайди. Фурсатдан фойдаланиб, бундай ишлар асосан ободонлашти-риш бошқармалари ходимлари томо-нидан агротехник меъёrlарга риоя эт-ган ҳолда амалга оширилишини эсла-тиб ўтамиз. Баъзида мутахассис бўлма-ган шахслар томонидан буташ ишла-ри амалга оширилатган вақтида да-рактларни шикастлантириш, баъзан эса рухсатсиз кесиб ташлаш ҳолатла-ри ҳам учраб туради. Шаҳарлардаги дарактлар шикастлантирилган ва рухсатсиз кесилган ҳолатларда қўмитанинг Давлат инспекторлари то-монидан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-дексининг 162-моддасига мувофиқ ҳўқуқбузарларга нисбатан жарима чоралари қўлланилади.

Дарактларнинг рухсатсиз кесилиши орқали табиатга зарар етказилади. Бун-

дай ҳолатларда Ўзбекистон Республи-каси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Респу-бликаси ўсимлик дунёсига етказилган зарар учун ундириладиган жарима миқ-дорларини ҳисоблаш тақсаларини таъ-диқлаш тўғрисида»ги қарори талабига мувофиқ ноқонуний равишда, яъни те-гишли ҳокимият рухсатномаси бўлмағи туриб дов-дарактлар кесилган ҳолат-да ўсимлик дунёсига етказилган зар-рар миқдори ҳисобланиб, ундирилади.

Агарда ўсимлик дунёсига катта миқ-дорда зарар етказилган бўлса, тўплан-ган ҳўжжатлар қонуний чора қўриш учун Тошкент шаҳар прокуратурасига юборилади. Бундай ҳолатларда айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Рес-публикаси Жиноят кодексининг 198-мод-дасига асосан жазо чоралари қўллани-лади. 2013 йил ва 2014 йилнинг ўтган январь-февраль ойлари мобайнида шун-дай ҳолатларга Чилонзор туманида Ҳамза маҳалласидаги «Маҳкам комму-налчи» ХУЖМШ ҳудудида, Юнусобод ту-манида «Диана таъмирлаш коммунал» ва «Замин коммунал сервис» ХУЖМШ-лар ҳудудида ҳамда 18-мавзёда «Шарк юлдузи» ХУЖМШ ҳудудида, Ҳамза ту-манида «Машинасозлар» маҳалласида-ги «Баҳор бўлги» ХУЖМШ ҳудудида, Шайхонтоҳур туманида Марказ 27, 243-сонли МТМ ҳудудида, Олмазор тумани-да «Ачаобод» маҳалласидаги Сағбон 30-бечка кўчасида, Сергели туманида «Соҳил» номи маданият ва истироҳат боғи ҳудудида, Учтепа туманида «Қўй Дархон» маҳалласи ҳудудида даракт-ларнинг ноқонуний кесилиши мисол бўлиши мумкин.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан ҳўқуқбузар-ларга нисбатан қонунда кўзда тутил-ган чоралар қўрилмоқда. Лекин, бу бил-лан кесилган дарактлар қайтадан ўз ўрнига тикланиб қолмайди. Шу боис ноқонуний равишда дарактлар кесил-лишининг олдини олиш мақсадига маз-кур масалага даҳлдор бўлган барча шахсларга дов-дарактларни кесиш қондалари тўғрисида ва шу билан боғ-лиқ бўлган муаммоларга тўхталиб ўтдик.

Айтиш кераки Тошкент шаҳар ҳоки-мининг 2014 йил 28 февралда «Тош-кент шаҳри ҳудудида 2014 йилда да-ракх қўчатларини экишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга асосан ҳазирги кунда кўкланм-зорлаштириш ва ободонлаштириш иш-лари шахримизнинг барча гўшалари-да қизган амалга оширилмоқда. Ўйла-ймизки, «Соғлом бола йили»да экла-ётган даракх қўчатларидан вақти ке-либ фарзандларимиз албатта баҳра оладилар.

**Ш.БАКИЕВ,**

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш гуруҳи раҳбари



2014 йил — Соғлом бола йили

## САНЪАТИМИЗ ҒУНЧАЛАРИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Санъат ғунчалари» ёш мусиқачилар республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур ижодий беллашув «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.



Аскар Ёдулов (У-А) олган сурат

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди бошқаруви раиси С.Иномова, Бастакорлар уюшмаси раисининг ўринбосари Х.Раҳимов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда мусиқа санъати таълимини сифат ва мазмун жиҳатдан янада юксалтириш, улғайиб келаётган ёш авлоднинг эстетик диди ва тафаккурини тўғри шакллантириш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли чоратadbirlар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори ёш авлоднинг истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, мазкур йўналишдаги билим масканларидаги таълим жараёнини янада яхшилашда му-

ҳим дастуруламал бўлмоқда.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Санъат ғунчалари» ёш мусиқачилар кўрик-танлови зарбли ва дамли чолғулар ижрочилиги бўйича изланаётган мусиқачиларни аниқлаш, уларнинг ижросидан халқимизни кенг баҳраманд этиш имконини бермоқда. Танловда унинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида ғолибликни қўлга киритган 250 нафар ўқувчи иштирок этди.

— Ушбу танловда ўзбек ва жаҳон бастакорлари ижодидан намуналарни ижро этдим, — дейди Урганч шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабининг иккинчи синф ўқувчиси Умид Саидов. — Кўплаб дўстлар орттирдим, тенгдошларимнинг

ижоди билан яқиндан танишдим, маҳорат сабоқларида иштирок этдим. Ўзбекистон консерваториясининг орган зали, музейлар, циркка ташкил этилган экскурсиялар менда катта таассурот қолдирди.

Танловда Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейининг еттинчи синф ўқувчиси, флейта ижрочиси Шохсанам Хўжаниёзова бош совринга лойиқ топилди. Шунингдек, ёш тоифаси бўйича ҳам ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Н.УСМОНОВА,  
ЎзА мухбири



Кейинги йилларда мамлакатимизда у-шу ҳам соғломлаштириш гимнастикаси ҳам спорт тури сифатида жадал ривожланимолда. Бунинг шаклланишида «Миробод» спорт мажмуасида 4 ёшдан 15 ёшгача болалар ўртасида ўтказилган Тошкент шаҳрининг очик чемпионати баҳслари ҳам яна бир қарра исботлади.

## БОЛАЛАР МАҲОРАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДИ

Ўзбекистон У-шу федерацияси томонидан ташкил этилган ушбу қизиқарли турнирда ҳамшаҳарларимиздан ташқари пойтахт вилояти, Қарши, Андижон ва Бухоро шаҳридан ташриф буюрган юзга яқин болалар ва ўсмирлар ўз маҳоратларини кўрсатиб ғалаба учун кураш олиб бордилар. Мусобақа шартлари кўра улар у-шунинг ҳам жанговар, ҳам спорт йўналишлари бўйича машқларни бажаришлари лозим эди. Ҳакамлар эса қатнашчиларнинг техник ма-

ҳоратлари, спорт элементларининг узвийлигини баҳолаб бордилар. Шаҳримиздаги «Камолот» спорт клуби тарбияланувчилари Равзия Ибрагимова (4 ёш) ва Абдуазим Қобилбеков (5 ёш) турнирнинг энг ёш иштирокчилари бўлишди. Улар жуда ёш эканликларига қарамай, кўп сонли қатнашчилар ва мухлислар орасида ўзларини йўқотиб қўймасдан машқларни тўғри бажаришга ҳаракат қилишди.

Шу тарика Жамолиддин Одилов, Миродил Миродимов, Зу-

лайхо Ортиқова, Асрор Шоисломов, Шохрух Сулаймонов, Мадина Тўлқинова, Абдулазиз Абдуворисов, Умаржон Каримов, Мухаммадамин Ҳақназаров каби энг моҳир ўсмирлар ва қизлар ғолиблар сафини бошқаришди.

Турнир якунида барча ғолиб ва совриндорларга дипломлар, медаллар ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз мухбиримиз)  
Алексей Попов  
олган суратлар

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРАФДОРИМИЗ

Чилонзор туманидаги 162-сонли умумтаълим мактабида «Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси доирасида ёшлар анжумани ўтказилди.

Мазкур анжуман «Камолот» ЁИХ туман Кенгаши, Республика «ДОТС» маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда туманда жойлашган таълим муассасаларидан 450 нафар «Камолот» ЁИХ аъзолари, вояга етмаган ёшлар ва тиббиёт масканлари ходимлари, PR NOPE ташкилоти нинг «Сифатни яхшилаш» лойиҳаси ходимлари иштирок этди.

Тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад ёшларни ягона мақсадлар сари бирлаштириш, уларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялаш, аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб этишдан иборат.

Анжуман доирасида «Кувнок пуфаклар», «Савол ва жавоб», «Тиббий маслаҳат», «Соғломжон-полвонжон» мусобақалари ҳамда қизиқарли викторинлар ташкил этилди. Шунингдек, спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси турлари бўйича мусоба-

қалар, «Силнинг давоси бор» мавзуида расм чи-зиш, деворий газеталар танлови ҳамда ҳаракатнинг тренерлар гуруҳи аъзолари иштирокида турли хилдаги қизиқарли уйинлар ва викторина савол-жавоб машғулотлари ёшларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, иштирокчилар учун истеъдодли санъаткорлар, ёш ижрочилар, «Камалак юлдузлари» танлови ғолиблари ва болалар гуруҳи иштирокида концерт дастури, мавзу юзасидан театрлашган сахна кўринишлари тақдим этилди.

Тадбир якунида ҳар бир ташкил этилган баҳс бўйича ёшларнинг маҳоратларини ҳакамлар ҳайъати аъзолари таҳлил қилиб боришди ҳамда ғолиб бўлган жамоалар ва яқка тартибдаги иштирокчиларга ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Хадича ЙЎЛЧИЕВА

Ёнғин келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири — оловга нисбатан эҳтиётсизлик билан муносабатда бўлишдир. Агарда ёнғин содир бўлса, баъзи фуқаролар ўзлари билмаган ҳолда ёнғин хавфсизлиги ходимларига ёнғинларни тез ўчиришда халақит бермоқдалар. Яъни, айрим фуқаролар ўзларига тегишли автоуловларни хоҳлаган жойга қўйиб кетадилар, ўзбошимчалик билан йўлларни тўсиб қўядилар, ўтиш жойларига ноқонуний равишда ҳар хил омборхона, ҳужраҳона ва гаражлар қуриб тўсиб олмақдалар. Бу эса ёнғин ўчириш автоуловларининг ёнғин содир бўлган жойга ўз вақтида етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда.

«101»

## МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИГА АМАЛ ҚИЛИНГ

ЁХБ ходимлари бу борада аҳоли, талаба-ёшлар, мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Ёнғиннинг олдини олиш учун нималар қилиш кераклигини, ўт билан ўйнашининг ёмон, хавфли оқибатларини, пиротехника воситаларидан фойдаланиш натижасида содир бўлаётган ёнғиндан тан жароҳати олиш мумкинлиги, бундан ота-оналар ва ўзлари азият чекишларини, ёнғиннинг олдини олиш учун нималар қилиш лозимлигини ўқитиб келмоқдалар. Мактаб ўқувчилари билан мактабларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш ва ёнғинларнинг олдини олиш мавзусида викторина, ишчи, баёнлар ташкил этилиб, расмлар чиздириб, уларга тушунтирилмоқда. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган барча фуқароларнинг ўт балосидан сақланишлари, уйларида доимо хурсандчилик ва кут-барака аримаслигига ишончимиз комил.

Хотиржам ҳаётимизга таҳдид солувчи ёнғин офатининг сабаблари ҳар хил бўлиши мумкин. Бироқ унинг келиб чиқишига сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олиш ва юзга келган ёнғинни даф этиш инсонларнинг қўлидан келадиган иш. Бунинг учун асосийси, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш, бу борада мутахассислар маслаҳатларига амал қилиш муҳим. Фурсатдан фойдаланиб, биз қуйидаги тавсияларни бериб ўтмоқчимиз.

Ёниб турган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг, ювилган кийим-кечакларни газ плитаси ёки иситиш печлари устида қўзғитманг, газ мосламаларини резина шланг орқали улаб фойдаланманг, электр симларини бўрама ёки қаттиқ тортилган ҳолда ўтказманг.

Шу каби ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсангиз хонадонингиз ёнғин офатидан жабр кўрмай, ўзингиз ҳам хотиржам бўласиз.

Жанибек САЛИМБАЕВ,  
Миробод тумани ИИБ ЁХБ инспектори,  
кичик сержант

## Кўргазмалар

## МУХЛИСЛАРНИ МУШОҲАДАГА ЧОРЛАЙДИ

Шаҳримиздаги ёшлар ижод саройида «Наврўз навалари» номли бадий кўргазма очилди. Унда пойтахтимиз олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этишди.

Кўргазма экспозициясидан ўрин олган амалий санъат асарлари халқ мероси, тарихи, санъати намуналари бўлиб, томошбинга маънавий озиқ беради. Ушбу кўргазмадаги ранг-тасвир, графика, инсталляция, миниатюра, қўлда тўқилган гобелен, хайкалтарошлик, батик каби йўналишлардаги бадий асарлар санъат ихлосмандларини мушоҳадага чорлайди. Тошкент Архитектура-қурилиш институти жамоасининг инсталляция намуналари, Камолитдин Бекҳод номдаги дизайн ва рассомчилик институтининг талабаси Г.Ҳақимованинг «Сирдарё қўйғи» номли расми, Б.Норбоевнинг «Тулпорлар расми» шу ва бошқа ўзига хос ишлар шулар жумласидандир.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

## ҲАМИША БАРҲАЁТСИЗ

Шу номдаги тадбир Яққасарой туманидаги 127-умумий ўрта таълим мактабида бўлиб ўтди.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман Кенгаши, ТХТМФМТЭБ маънавий-ахлоқий тарбия бўлими ҳамда мазкур мактаб ҳамкорлигида ташкил қилинган давра суҳбатига мактаб ўқитувчилари ва етакчилари, «Бошлик» маҳалласи фаоллари, тумандаги Ахборот ресурслари маркази ходимлари ва кутубхоначилар иштирок этди.

— Ўзбек шеърларида чуқур из қолдирган Муҳаммад Юсуф таваллудига бағишлаб ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар негизда ёш авлод қалбида ўзликни англаш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини, эзгу қасдларни камол топтириш, адабиётга муҳаббат уйғотиш биринчи ўринда туради, — дейди шоира Умид Абдуазимова.

Кечанда шоир шеърларидан парчалар ўқилиб, унинг ҳаёти ва сермазмун ижоди ҳақида илиқ сўзлар айтилди.

Гулнигор САТТОВА

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ  
ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР  
ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ  
ҚУЙИДАГИ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИНИНГ ВАКАНТ  
(БЎШ) БЎЛГАН ДИРЕКТОРЛИК  
ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН  
ҚИЛАДИ

| № | Таълим муассасасининг номи                                           | Манзили                                  |
|---|----------------------------------------------------------------------|------------------------------------------|
| 1 | Тошкент Давлат техника университети қўшмадаги 3-сонли академик лицей | Мирзо Улуғбек тумани, Гёте кўчаси, 54-уй |
| 2 | Республика телевидение ва радио касб-ҳунари коллежи                  | Бектемир тумани, Роҳат кўчаси, 29-уй     |

Малака талаблари: олий маълумот, таълим тизимида (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув услубий, бошқа фаолияти) иш стажини 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунари коллежининг соҳа йўналиши бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажини талаб қилинмайди.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

1. Ўрта махсус, касб-ҳунари таълими ҳудудий бошқармаси бошлиғи номига ариза.
2. Сўровнома (справка-объективка).
3. Таржимаи ҳол.
4. Олий маълумот ҳақида диплом нусхаси.
5. 3х4 ўлчамли 6 дона фотосурат.
6. Паспорт (нусхаси).
7. Илмий даража ва илмий унвон (мавжуд бўлса) ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси.
8. Илмий-услубий ишлари ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).
9. Тавсифнома.

Ҳужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 55-уй. Телефон: 252-23-35.



илик, кундузи — 20-22 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 1 ва эрта-лаб 2 апрелда Тошкент

Тошкент шаҳрида 1 апрель кунини ҳаво ўзгариб туради, кеч-га бориб ёмғир ёниб, момақал-диққ бўлиши мумкин. Шарқдан ғарбга йўналишини ўзгартирган шамол секундида 7-12 метр тезликда эсади. Ҳарорат кечаси — 11-13 даража бўлади.

Тошкент Оқшоми

Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Ёшлар: 233-28-95, факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 356

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 14170 нусхада босилди.

Қозғоқ бичими А-2

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.20

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ